# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi  www.qishloqhayoti.uz  2013-YIL 7-IYUN, JUMA, 70 (8151)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## «УНИВЕРСИАДА – 2013» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли ўғил-қизларим!

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун униб-ўсиб, катта ният ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган сиз, азиз фарзандларимни Ўзбекистон ёшларининг ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами бўлмиш “Универсиада – 2013” ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўлкамиздаги барча спорт мухлислари, миллионлаб ёшларимиз, бутун халқимизнинг диққат-эътиборини бугун ўзига тортаётган бу спорт байрамининг «Кўҳна ва боқий Бухоро» деб ном олган табаррук заминда ўтказилаётгани ушбу тантанага алоҳида маъно-мазмун ва кўтаринки руҳ бағишламоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз “Универсиада” қатнашчилари!

Сизларнинг “Кичик Олимпиада” деб аталган мана шу нуфузли мусобақага қандай кескин кураш ва беллашувлар орқали етиб келганингиз, ўз олдингизга қўйиган мақсад йўлида азму шижоат ва қатъият кўрсатиб, олий ўқув юртларида илму фан чўққиларини эгаллаш билан бирга, спорт майдонларида ҳам умидбахш натижаларга эришганингиз, мамлакатимизда ўтказиладиган спорт ўйинларининг энг юқори босқичи бўлган 2013 йилги “Универсиада” финалига чиққанингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, ҳар бирингиз ўзингиз танлаган спорт тури бўйича катта ютуқларни қўлга киритганингиздан гувоҳлик беради.

Албатта, бундай юксак марралар ва шоҳсупаларга кўтарилиш учун қанча-қанча ҳаракат, қанча куч-қувват, ирода ва мардлик кераклигини ана шундай ҳолатларни бошидан кечирган ҳар қайси одам ўзига яхши тасаввур қилиши муқаррар.

Бу фикрларнинг тасдиғини қуйидаги рақам ва мисоллар яққол намойиш қилади.

“Универсиада” ўйинларининг саралаш босқичларида иштирок этган қарийб 138 минг талаба орасидан якуний босқичга 1020 нафар қатнашчининг етиб келгани бу мусобақаларнинг миқёси нақадар кенглиги ва уларнинг нечоғли қаттиқ курашлар асосида ўтганини кўрсатади.

Мамлакатимизда олтинчи бор ташкил этилаётган “Универсиада” беллашувларини юқори савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун аввало жойларда, вилоят ва шаҳарларда зарур шароитлар яратилгани, жумладан, Бухоро шаҳрида ўнлаб муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари бунёд этилгани, қарийб 93,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, катта ҳажмдаги қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини инобатга оладиган бўлсак, ҳар уч йилда ўтказиладиган бу спорт байрамига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қандай улкан эътибор ва аҳамият берилаётгани янада яққол аён бўлади.

Буларнинг барчаси авваламбор сиз, азиз болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, вояга етаётган фарзандларимизнинг тараққий топган давлатлардаги тенгдошларидан кам бўлмаслиги, улар билан бемалол беллашувга тайёр бўлиши учун, лўнда қилиб айтганда, навқирон ёшларимизнинг халқимиз, Ўзбекистонимизнинг таянчи ва суянчи, биз интилаётган юксак марраларга етиш йўлида ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириши учун – ана шундай буюк мақсадларга эришиш учун амалга оширилаётганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Қадрли фарзандларим!

Халқимиз, жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, ҳаммамизга куч-қувват бағишлайдиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!” деган олижаноб даъват барчамизни мана шундай гўзал ва бетакрор Ватанимизга меҳр қўйиб, ғурур ва ифтихор билан яшашга чорлайди.

Ҳозирги вақтда миллий спортимиз ифтихорига айланган Ришод Собиров, Аббос Атоев, Рустам Қосимжонов, Оқгул Омонмуродова, Светлана Радзивил, Севара Қодирова, Денис Истомин, Саида Искандарова, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров каби ўнлаб истеъдодли ёшларимизнинг спорт оламидаги ютуқлари учун айнан “Универсиада” мусобақалари парвоз майдончаси бўлиб хизмат қилгани яхши маълум. Сизлар ҳам ана шундай моҳир спортчиларимизнинг изидан бориб, келажакда Ватанимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтаришингизга барчамиз тилакдошмиз.

Ҳеч шубҳасиз, “Универсиада – 2013” беллашувлари эл-юртимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади, қадимий Бухоро заминида яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг руҳи поклари сизларни қўллаб-қувватлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга атаб юксак талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларини барпо этган қурувчи ва муҳандисларга, мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бағрикенг, меҳмондўст Бухоро аҳлига ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни бағримга босиб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**







## ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

### БУХОРОДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА «УНИВЕРСИАДА – 2013» РЕСПУБЛИКА СПОРТ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри яна байрам оғушида. Шаҳар иккинчи маротаба ёшлик, баркамоллик, шижоат ва гўзаллик байрами – Универсиада мусобақаларига мезбонлик қилмоқда.

“Бухоро” марказий стадионида “Универсиада – 2013” республика спорт мусобақаларининг чорлов садолари янграйди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари саф тортади.

Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов Ўзбекистон олий таълим муассасалари талабаларининг “Универсиада – 2013” спорт ўйинларини очиқ, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Универсиада – 2013” спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилди.

Универсиада байроғи кўтарилди.

Спортчи ёшлар бўлажак мусобақаларда ҳалол, муросасиз ва мардона кураш олиб бориш ҳақида тантанали сўз бердилар.

Соғлом ва баркамол авлод мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, турмушимиз ободлигини таъминловчи қудратли кучдир. Шу боис, ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.




Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жорий этилган ва янги педагогик технология сифатида кўплаб давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилаётган таълим соҳасидаги уч босқичли спорт ўйинлари – умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, коллеж ва лицейлар ёшлари ўртасидаги “Баркамол авлод” ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада мусобақалари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз терма жамоаларига иқтидорли спортчиларни тарбиялаш, олимпиячилар захирасини мустаҳкамлаш, ёш иқтидор эгаларига катта спорт сари кенг йўл очишда мазкур тизим муҳим аҳамият касб этаётир. “Умид ниҳоллари”да илк маротаба катта мусобақа ҳавосини олган ёшлар “Баркамол авлод” ўйинларида тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Универсиада беллашувларида етук спортчи сифатида шаклланиб, катта спорт майдонларида давлатимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Мамлакатимиз талабаларининг 2000 йилда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган илк Универсиадасида спортнинг 9 тури бўйича 1712 нафар талаба иштирок этган эди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Андижон шаҳарлари мезбонлик қилган кейинги Универсиадаларда ёшларнинг маҳорати ва иқтидори ошиб, иқтидорли спортчилар сафи кенгайиб бораётгани намоён бўлди.

Бу нафақат иштирокчилар сонининг кўпайганида, айни пайтда беллашувлар кескин ва муросасиз ўтишида, медаллар сонининг ортганида, спортчилар кўрсаткич ва рекордларининг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам яққол кўзга ташланади.

Бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, шахмат, бадиий гимнастика, оғир атлетика, теннис бўйича яратилган ўзбек спорт мактабларини бутун дунё эътироф этмоқда.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров, жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори, ФИДЕ устаси Нодира Нодиржонова, белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони Рустам Умаров, енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Светлана Радзивил, Осиё ўйинлари ғолибаси Юлия Тарасова, сузиш бўйича кўпкарра рекордчилар – Раъно Омонова, Юлдуз Кўчқорова, ўсмирлар ўртасида қитъа чемпионатида ғолиб чиққан бадиий гимнастикачи Азиза Мамажонова каби йигит-қизлар ана шу уч босқичли тизим орқали катта спортга қадам қўйган.


**(Давоми 4-саҳифада)**


## ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

### ТОШКЕНТДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ВА «HAPPY CARAVAN» ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Осиё чемпионатида вакилларимиз жамоавий баҳслар бўйича олтин медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Жамила Раҳматова, Майя Филиппова, Мафтуна Шамсиева ва Валерия Давидова ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарилган композициялар бўйича энг юқори натижани қайд этди.

Чемпионатнинг кумуш медали Жанубий Корея вакилаларига насиб этган бўлса, хитойлик спортчилар бронза медални қўлга киритди.

Гуруҳ баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Ольга Кирьякова, Марта Растобурова, Екатерина Бухенко ва Дарья Свечниковадан иборат гуруҳнинг булава, тўп ва тасмада бажарган машқлари ҳакамлар томонидан бронза медалга лойиқ топилди. Хитойлик гимнастикачилар олтин, япониялик спортчилар кумуш медаль билан тақдирланди.

“Happy Caravan” халқаро турнирининг гуруҳ кўпкураш баҳсларида эса вакилларимиз олтин ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Терма жамоамизнинг Фарангиз Аҳмедова, Комила Рустамова, Гўзал Раиманова, Сабрина Рамазонова, Карина Тоғаева ва Ирина Салеҳдан иборат гуруҳи ҳалқа ўйнатиш бўйича 14,65 балл, булавада 15,5 балл тўплаб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Қозоғистонлик спортчилар кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, Нозима Собирхонова, Самира Амирова, Диана Орехина-Рижина, Екатерина Сабристова, Даяна Эргашева ва Алина Қосимовадан иборат яна бир гуруҳимиз кучли учликдан жой олди.

Халқаро турнирнинг жамоавий баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Қоидага биноан, совринли ўринлар ҳар бир жамоа спортчиларининг ҳалқа, тўп, булава ва тасмада бажарган композициялари бўйича жамғарган балларига кўра аниқланди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Равиля Фарҳуддинова, Комила Саидхонова, Нилуфар Шомуродова ва Анора Давлатовага кумуш медаль топширилди.

Россиялик гимнастикачилар олтин медални қўлга киритган бўлса, қозоғистонлик спортчилар бронза медалга лойиқ топилди.

**Омонбой ТЎХТАМИРЗАЕВ**

Андижон Вилояти

▼ ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

## ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

**Оқолтин — Андижон каналининг майин шабадаси эсиб турадиган сўлим қишлоқ. Шу қишлоқда яшовчи Гавҳарбек Максимов электр тармоқлари корхонасида нозир бўлиб ишлайди. Янги уй олиш истагида ўйлаб ўйига етолмай юрганда намунавий лойиҳалар асосида уйлар барпо этилиши унинг орзусини рўёбга чиқарди. Давлатимизнинг ёш оилаларга эътибори ва ғамхўрлигидан ҳамма қатори у ҳам баҳраманд бўлди.**



— Қўлимизга янги уй калити топширилган кун мен учун унутилмас кун, энг бахтиёр онларни бахшида этди, — дейди Гавҳарбек Максимов. — Банк кредити эвазига барча шароитлар яратилган уйга эга бўлдик. Катта меҳмонхона, ошхона, алоҳида болалар хонаси, ҳатто автомашинани сақлаш учун гаражгача бор. Сув, газ ва электр энергияси асбоб-анжомлари замонавий. 2013 йил охиригача мавзеимизда бизникига ўхшаш уйлар 50 тага етар экан.

Дарҳақиқат, Улуғнор туманидаги Оқолтин қишлоғида замонавий уй-жойлар бунёд этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. 2010 йилда 10 та, 2011 йилда 15 та, 2012 йилда 21 та намунавий лойиҳалар асосида турар-жой бинолари қад ростлади. Шу кунларда ҳам қурилиш ишлари жадаллашяпти. Аҳоли талаб ва таклифлари асносида яна 25 та янги уй-жой барпо этилмоқда.

— Оқолтин туманимиздаги энг гўзал ва сўлим қишлоққа айланди, — дейди Улуғнор тумани ҳокимлиги қурилиш ишлари бўйича бўлими бош мутахассиси Салоҳиддин Мамажонов. — Барпо этилаётган уйларда барча шароит яратилган. Болалар хонаси, ошхона, айниқса, ички коммуникация тизимларининг мукаммаллиги барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Янги қишлоқдаги саришталик, тартибни кўриб кўзингиз қувнайди. Замонавий қишлоқ врачлик пункти, чойхона, янги мактаб, шунингдек, банк хизмати, савдо, маиший, тиббий ҳамда умумий овқатланиш шохобчаларидан иборат мажмуа барпо этилди. Айниқса, ижтимоий инфратузилма объектлари фуқаролар мушкулини енгил қилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳавас қилса арзигулик уй-жойлар қишлоқларга чирой, юрт кўркига-кўрк қўшмоқда. Зеро, замонавий уйлар обод ва фаровон турмушимиз асосидир.

**Отабек УМАРОВ**

Хоразм Вилояти

ҚАРОР ВА ИЖРО

# САНОАТ САЛОҲИЯТИ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

***Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори бошқа ҳудудлар қаторида Ҳазорасп туманининг яшариб, чирой очиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юқори босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Юртбошимизнинг мазкур Қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар борасида туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Мақсудбек РАҲИМОВ билан суҳбатлашдик.***

— Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича умумий қиймати 118435,2 минг АҚШ долларилик инвестициялар жалб қилиш эвазига 32 та лойиҳа амалга оширилади. Бу маблағнинг 105874,5 минг АҚШ доллари тадбиркорларнинг ўз маблағлари, 12560,7 минг АҚШ долларилик қисми тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунинг натижасида 1062 нафар кишини янги иш ўринлари билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бу, энг аввало, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Маълумки, бугунги кунга келиб фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатининг янада ривожланиши, уларда қўшимча тармоқларни ташкил қилиш натижасида етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тури, салмоғи ошмоқда.

Аҳолини барча фаслларда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, хорижга экспорт қилишни йўлга қўйиш учун мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, дастур доирасида умумий қиймати 931,1 минг АҚШ долларилик ўнта озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 311,1 минг АҚШ долларилик 4 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, 50 минг АҚШ долларилик битта гўштни қайта ишлаш ва 570 минг АҚШ долларилик бешта нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар қуриш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Натижада қарийб юз нафар киши муқим иш ўрнига эга бўлади. Пахта тозалаш заводи қошида 166,2 минг АҚШ доллари ҳисобига йилига 100 тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган "Мафтун универ сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 30 тонна томат пастаси, "Ҳазорасп Нилуфар савдо" масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 50 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва шу каби 10 та корхона қад ростлайди. Туманда тадбиркорлик тезкорлик билан ривожланаётгани боис, улар ўз корхоналарига энг сўнгги русумдаги ускуналарни ўрнатиб, юқори унум ва тежамкорликни кўзламоқдалар. Якка тартибдаги тадбиркор Орзугул Қиличева томонидан 3 та лойиҳа — йилига 200 тонна қандолат маҳсулотлари, 100 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳамда 50 тонна гўштни қайта ишлайдиган корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, 25 нафар киши иш билан таъминланади. Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, бу борада қилинаётган ҳаракатларнинг самараси кўрина бошлади. Камолбек Хўжаназаров раҳбарлигидаги "Шаҳзод-Акмал" МЧЖ томонидан ичимлик сувини фильтрлаб йилига 200 минг дона шартли шиша сув қадоқлайдиган ва 150 минг дона металл томёпкичлар тайёрланадиган корхона ишга туширилди. Шунингдек, "Боғотдон" акциядорлик жамиятида йилига 800 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхона йилнинг биринчи чорагида фаолиятини бошлагани натижасида 28 нафар киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари кенг миқёсда олиб борилаётгани туфайли қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 646,8 минг АҚШ долларилик 6 та лойиҳа амалга оширилиб, 104 та янги иш ўрни очилади. "Қурилиш материаллари комбинати" масъулияти чекланган жамияти томонидан йилига 1000 куб метр темир-бетон, "Жавлонбек автогаз" корхонасида эса йилига 2 миллион дона пишиқ ғишт, "Ҳазорасп Диёри" МЧЖда йилига 150 тонна металл томёпкич, темир эшик ва дарвозалар, панжаралар ишлаб чиқарилади. Шу йилнинг охирги чорагида ишга тушириладиган бу корхоналарда қурилиш, ускуналар келтириш ишлари давом эттирилмоқда. "Ҳазорасп Сулаймон сервис" МЧЖ томонидан оҳак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундан бир неча йил олдин Саноат қишлоғида мих ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Эндиликда унинг маҳсулотига эҳтиёж кучайгани боис, корхона қувватини йилига 1,5 тоннага етказиш мақсадида умумий қиймати 120 минг АҚШ доллари турадиган, Хитой мамлакатида ишлаб чиқарилган ускуналар сотиб олинмоқда.

Ҳазораспда "Дамас" енгил автомобили ишлаб чиқарадиган корхонанинг Дастурга киритилгани бутун воҳа аҳлига қувонч бағишлади. Мана энди республикамиздаги машина ишлаб чиқарадиган саноқли заводлардан бири бизда қурилмоқда. Бунинг учун умумий қиймати 56350 минг АҚШ доллари миқдорида лойиҳа ишлари бажарилади ва йилига 40 минг дона автомобиль ишлаб чиқарадиган бу йирик корхона ишга туширилиши муносабати билан 550 та янги иш ўрни очилади. Айни кунларда ташкилий ишлар давом этмоқда. Питнак шаҳарчасидаги "Хоразмавтомобил" ишлаб чиқариш бирлашмаси МЧЖ негизида корхона шаклланмоқда. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, "Дамас"нинг бутловчи қисмлари ҳам шу корхонанинг ўзида тайёрланади.

Енгил саноат маҳсулотлари тайёрлаш борасида эса туманимизда 5 та лойиҳа бўйича қиймати 10507,3 минг АҚШ доллари маблағи сарфлангани ҳолда 265 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилганди. Дастлабки корхоналар ишга туша бошлади. "Умид саноат сервис" масъулияти чекланган жамиятида йилига 2400 дона ҳар хил турдаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Сириус Селвона" МЧЖда ҳам тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. "Умид саноат сервис"нинг яна бир корхонасида 1,2 миллион жуфт эркак ва аёллар пойабзали ишлаб чиқариш шу йилнинг учинчи чорагида амалга оширилади. 30 нафар ёш иш билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги Қарори туманимиз иқтисодиётининг бундан кейинги ривожида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

АГРОМАСЛАҲАТХОНА

**Пахтакорларимиз учун июнь ойи – масъулиятли палла саналади. Боиси, ғўза ўзини тиклаб олиб, авж ўсув даврига кирмоқда. Бу даврда парваришу ишловга кўпроқ эҳтиёж сезилади. Шу пайтда олган озуқа ғўзанинг яхши ривожланиши ва ҳосилдор бўлишига катта таъсир кўрсатади. Уста пахтакорлар кўп йиллик кузатувлари асосида шундай дейишади: саратонгача ғўза қаричдан ошса, кузда хирмон тошади.**




Бунинг учун, энг аввало, ғўза қатор оралари ишловига жиддий эътибор қаратиш лозим. Июнь ойида ғўза бўй-бастини ҳисобга олган ҳолда культиваторнинг ишчи органини 14-16 см. чуқурликка ботадиган қилиб ўрнатиш лозим.

Ғўза бошқа экинлардан фарқли ўлароқ, тупроқ таркибидаги озуқани бутун ўсув даврида ўзлаштириб боради. Шу боисдан, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, муддати, озуқа моддаларнинг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Чунончи, азотли ўғитлар кеч берилса, биринчи нав пахта миқдорини камайтирибгина қолмай, балки ҳосилдорликка ҳам салбий таъсир этади.

Юқори ҳосил олиб келинаётган фермер хўжаликларида ғўзани ўғитлаш даланинг агрокимёвий харитасидаги маълумотларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Экин майдонларида маъданли ўғитлар билан бир қаторда, фермер хўжаликларида маҳаллий ўғитларни қўллаш самарали ҳисобланади. Улар микроорганизмлар ёрдамида парчаланиб натижада ҳосил бўладиган карбонат ангидирид тупроқдаги олдинги йиллари солинган фосфатга таъсир кўрсатиб, унинг эрувчанлигини кучайтиради, бинобарин, ўсимлик уни анча кўп ўзлаштиради. Маҳаллий ўғитлар таркибидаги углерод яна микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чиринди таркибига кирадиган мураккаб бирикмаларга айланади.

Тупроққа қанча кўп миқдорда маҳаллий ўғит солинса, чириши натижасида шунча кўп углерод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг ҳаводан озиқланиш – фотосинтез жараёнини қулай ҳолатга келтиради. Тупроққа 20-30 тонна ярим чириган гўнг солинганда ажралиб чиқадиган углерод ҳисобига маҳаллий ўғит берилмаган далага нисбатан ҳосилдорлик ҳар бир гектарга 4-6 центнерга кўпаяди.

Ғўзанинг парваришлаш технологиясида сувдан самарали фойдаланишда "шарбат" усули мақсадга мувофиқ. Чириган гўнг ғўзага озиқ бериши билан бирга, мульча вазифасини бажаради, сувнинг буғланишини секинлаштиради, намни кўпроқ муддат сақлайди.

Экинни суғориш қатор орасига ишлов бериш — культивация билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши катта аҳамият касб этади. Тупроқнинг юза қатламига майин, донадор қилиб ишлов берилиши намлик яхши сақланишини таъминлайди.

Суғориш муддат ва меъёрини ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқ хусусиятлари ва сизот сувлар чуқурлигини ҳисобга олиб белгилаш лозим. Вегетация даврида керагидан ортиқча сув ичган ғўза ҳосил тугунчаларини тўкиб юборади ва ғовлай бошлайди. Кўсаклари кеч очилади. Демак, ҳосилдорликни ошириш учун ғўзани маромида суғориш, уни чанқатиб қўйиш ёки керагидан ортиқча суғоришга йўл қўймаслик зарур. Бундай суғоришда сув даланинг этагида йиғилиб, культивацияни ўтказишга халал бериб, ғўза тез чанқашига сабаб бўлади.

Ғўзага ишлов беришда тупроқ йирик кесакли бўлишига сира йўл қўймаслик керак. Бу ҳол намнинг буғланиб кетишига олиб келади.

Шуни унутмаслик керакки, ишлов берилганда юзаси майда кесакли далада нотекис, йирик кесакли далага нисбатан намнинг буғланиши 25-35 фоиз кам бўлади.

Суғоришда яна бир хусусиятга эътибор бериш керак. Ғўзада 12-13 ҳосил шохи пайдо бўлганда 25-30 ҳосил элементлари ҳам пайдо бўлади. Кейинчалик ушбу ҳосил элементларидан энг эртапишар, ҳосилнинг 75-85 фоизини ташкил қиладиган кўсаклар етилади. Аммо июль ва август ойларида пайдо бўладиган 14-16 ҳосил шохларида ҳосил элементларнинг 70-75 фоизи тушиб кетади. Шуни инобатга олиб, ғўзани биринчи, иккинчи ва кейинги суғоришларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир тадбирни ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил олиш учун пухта замин қўйиш демакдир.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**Республика сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кенгашининг агротехника тадбирларини такомиллаштириш масалалари бўйича гуруҳ раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Самарқанд Вилояти

**Обод турмуш йилининг ҳар бир кунида жойларда турмуш ва кўнгил ободлиги йўлида қатор эзгу ишлар амалга оширилаётир.**

# МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ҲАЁТИМИЗ ОБОДЛИГИДИР

Маҳалламиздаги мавжуд 809 та оилада 4200 нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилади. Ҳудудимиздаги қишлоқ врачлик пункти, тўйхона, ҳаммом, бир неча савдо ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Шунингдек, 2 та мактаб, битта касб-ҳунар коллежи бўлиб, улардаги ўқувчилар сони 1900 нафарга яқин.

Мен шу ўринда маҳалла ва мактаб ҳамкорлигига алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдим. Негаки, бизнинг келажагимиз – ёшлар. Эртанги кунимиз уларнинг ҳар томонлама билимли, ақлли, соғлом, интеллектуал салоҳиятли бўлиб улғайишлари билан боғлиқ. Бу эса кўпроқ мактаб ва маҳалладаги тарбиявий ишларнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлиги, катталарнинг болаларга барча жабҳаларда ўрнак бўлишлари зарурлигини англатади.

Бизнинг маҳалламизда мактаб билан ҳамкорлик кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Бу борада маҳалла фаоллари ва мактаб ўқитувчилари бирдек жонкуярлик қилишади. Ота-оналар билан олиб борилган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда ўқувчилар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар рўй бермади. Бунда маҳалла посбони ва профилактика нозирининг ҳам ҳиссаси катта.

Шунингдек, жорий йилда битирувчи синф ўқувчиларининг ўзлари танлаган коллеж ва лицейларга ҳужжат топширишида маҳалла ҳам мактаб билан бир қаторда амалий ёрдам кўрсатяпти.

Ҳудудимизнинг ободлиги, орасталиги, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазишда ҳам билим масканларида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилаётир.

**Собиржон УМИРЗОҚОВ,**
**Оқдарё туманидаги Оқдарё маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Жиззах Вилояти

МАВСУМ

# ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОНАХОНЛАР

## ПИЛЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШИБ, ҲАММАГА ЎРНАК БЎЛИШДИ

**Атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг "Кампирлар сим қоқди" асарини кўпчилик ўқиган. Унда тиниб-тинчимаган кампирларнинг ипак қурти боқиб, давлатга баракали пилла ҳосили топширгани қаламга олинган. Ушбу ҳикоя қаҳрамонларининг ҳаётдаги ўхшашларини Бахмал туманида учратиш мумкин.**



*Тажрибали пиллачилар — Улбозор она Шодмонова (чапдан), Шакарой она Муродова, Тошбуви Муродова, Асила Пардабоева ва фермер Сайёра Маҳрамовалар ҳосил баркасидан хурсанд.*

Туман фермерлар кенгаши раиси Фахриддин Саримсоқовнинг айтишича, етмиш беш ёшли Улбозор она Шодмонова билан саксон ёшли Шакарой она Муродова келинлари Сайёра Маҳрамова бошчилигида тўрт қути ипак қурти боқиб, ҳар қутисидан 65 килограмм, жами 260 килограмм "кумуш тола" топширибди.

— Тиниб-тинчишмайди бу онахонлар, — дейди Ф.Саримсоқов. — Қирқ-эллик йил давомида қурт боқавериб, ўрганиб кетишган-да!

Фермерлар кенгаши раисининг гапида онахонларнинг тиниб-тинчимаслигидан фахрланиш оҳанги сезилиб турарди. Уни тинглаб борар эканмиз, "Қариси бор уйнинг париси бор", деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Улар чиндан ҳам ўз уйларининг парилари. Гап-сўзлари бамаъни, ишлари серунум. Уларга ҳеч ким пилла боқинг, демаган. Лекин ҳаракат қилмаса, ҳаётида бир нарсани йўқотгандек туюлаверади уларга. Ҳолбуки, келинлари Сайёра ҳам 25 йилдан буён ипак қурти боқиб, 15 йил давомида фермер хўжалигига раҳбарлик қилади.

Сайёра Маҳрамованинг ҳовлисига кириб борганимизда, онахонлар бошлиқ бир гуруҳ хотин-қизлар сўнгги ҳосилни теришарди. Улар чамалаб айтганидек, 30 килоча ҳосил терилган. Шакарой она барча ёрдамлашганларни дуо қилди. Айниқса, барг таъминотида узилишга йўл қўймаган, қуртхоналарни вақтида иситиб, вақтида шамоллатиб, мўл ҳосилга ҳисса қўшган баргчи Холбўта Муродовни қайта-қайта алқади.

Шу ўринда Сайёра келин раҳбарлик қилаётган "Сайёра Маҳрамова" фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили давлатга ғалла сотиш шартнома режаларини 152 фоизга уддалаб, туман ва вилоят ҳокимликларининг мукофотларига сазовор бўлишганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар уч гектар майдонда картошка етиштириб, ҳар гектаридан 185 центнердан, беш гектарлик олмазордан эса қарийб 50 тонна олма йиғиб-териб олишди. Натижада хўжалик деҳқонлари қарийб 55 миллион сўм соф фойда олишди.

Хўжалик аъзолари айни кунларда ғалла ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, олмазор ва картошка экини парваришини намунали ташкил этишяпти.

— Бу йил уч гектар майдонда янги тутзор барпо этдик, — дейди Сайёра Маҳрамова. — Бу бизга келажакда пилла етиштиришни янада кўпайтириш имконини беради. Бундан ташқари, тутзоримиз қатор ораларига, экинзорларимиз уватларига кўплаб ошқовоқ, ловия ва бошқа экинлар экиб, ўстираяпмиз. Хуллас, сут, қатиқ, гўшт, тухумдан тортиб, рўзғорга керакли барча маҳсулотларни ўзимиз етиштирамиз.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

# БИР ХОНАДОНДА ҲАМ ИНКУБАТОРИЯ, ҲАМ МЎЪЖАЗГИНА БОҒ

**Сирдарёлик Меҳри Ҳайдарова 2011 йилда "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё тумани филиалидан 24 миллион сўм кредит олиб, 15 мингта жўжа очирадиган инкубаторияни ишга туширган эди. Тадбиркор дастлабки йили инкубаторияда 15 мингта жўжа очириб, ўзи яшаётган маҳалладаги хонадонларга тарқатган бўлса, кейинчалик бу борадаги фаолиятини янада кенгайтирди.**

— Жўжалар жуда нозик бўлади, — дейди Меҳри Ҳайдарова. — Уларни тез-тез ветеринар кўригидан ўтказиб, касалликларга қарши эмлаймиз. Маккажўхори, буғдой сечкалари билан қатъий рацион асосида озиқлантириб борамиз. Йил қулай келган, жўжаларга харидорлар кўпайган пайтларда инкубаторияга тўрт мартагача тухум қўйиб, жўжа очирамиз.



Жорий йилда Наврўз байрами арафасида Меҳри опа инкубаторияда 5500 та соғлом жўжа очириб, тумандаги 37 та маҳалладаги хонадонларга тарқатди.

Опа истиқомат қилаётган хонадонда саронжом-саришталик. Унинг умр йўлдоши Фарҳод Ҳайдаров билан ўғли Аббосжон йил давомида иссиқхона, 60 туп Қўқон гилоси ўстирилаётган мўъжазгина боғда иш билан банд. 10 сотихлик иссиқхонадан йилига икки марта мўл помидор ҳосили олишади. Ҳар туп помидор 4 килограммдан ҳосил берганида, 10 сотихлик майдондан 12 тонна ҳосил олинади. Ҳар килоси бозорда ўртача 4 минг сўмдан сотилганда, 10 тонна помидордан олинаётган даромад 40 миллион сўмдан ошади. Бундан ташқари, оила иссиқхонанинг ўзидан 30 миллион сўм соф фойда оляпти.

Ҳа, паррандачилик, иссиқхона ва боғ даромад манбаи, оила фаровонлигининг асоси эканлигини англаган, ҳалол меҳнат ортидан ризқ-рўз яратаётган Ҳайдаровлар оиласига ҳавас қилса арзийди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Сурхондарё Вилояти

**Вилоятда балиқчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Бундан беш йил аввал балиқчиликка ихтисослашган 12 та хўжаликда бир йилда 40 тонна маҳсулот етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йил якуни бўйича қарийб 1050 тоннани ташкил этди. Хўжаликлар сони эса айни пайтда 160 тага етган бўлиб, уларда 930 нафар кишининг иш билан бандлиги таъминланган.**



# ТАРМОҚ РИВОЖИДА ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

— Вилоят ҳокимлиги, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда тармоқ фаолиятини янада ривожлантириш борасида аниқ истиқболли режалар ва дастурлар ишлаб чиқилган, — дейди вилоят балиқчилик уюшмаси раиси Баҳодир Бобомуродов. — Хусусан, "Сурхон балиқ ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш" мажмуасида инкубация цехи ташкил этилиб, балиқ уруғлари, яъни чавоқлар етиштирилиб, фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Натижада Сариосиё туманидаги "Тўпаланг олтин балиғи", Денов туманидаги "Наврўз-96", Узун туманидаги "Абу Ҳурайро" ва "Ат-Термизий" каби фермер хўжаликлари йилига ўртача 25-30 тоннадан маҳсулот етиштириш қувватига эга бўлмоқда.

Маълумот тариқасида яна шуни айтиш жоизки, яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан соҳани ривожлантириш йўлида яна бир қадам ташланди. Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабидан келиб чиқиб, вилоят балиқчилик уюшмаси қошида Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказининг вилоят филиали — "Сурхон балиқ питомник" шўъба корхонаси очилди. Бундан кўзланган асосий мақсад тармоқни ривожлантириш учун хорижий тажрибани қўллаш, юртимиздаги илғор иш услубларини оммалаштириш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишдир. Шунингдек, вилоятда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида интенсив усулда балиқчилик хўжаликлари ташкил этилмоқда. Чунончи, ҳозирда бундай хўжаликлар сони ўнтага етди.

— Биз 0,25 гектар ерда интенсив усулда балиқнинг оқ амур, оқ дўнгпешона, зоғора, карас каби турларини парваришлаяпмиз, — дейди Термиз туманидаги "Норҳамид бобо" фермер хўжалиги раҳбари Жўра Норҳамидов. — Чунки бу балиқлар сергўшт. Олинадиган даромад ҳам шунга яраша бўлади.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ПРИГЛАШЕНИЕ НА УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ – ПЕРЕТЕНДЕР

## ПЕРЕТЕНДЕР ТЕНДЕРНЫХ ПАКЕТОВ РАНЕЕ ОБЪЯВЛЕННЫХ В ФАЗЕ 07 СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЫХ ДОМОВ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ 2013

**Выпущено: 7 июня 2013 г.**

Срок подачи тендерных предложений: до 12:00 полудня, 22 июня 2013

**1.** Для Республики Узбекистан предоставлен мультитраншевый механизм финансирования и заем на финансовое посредничество за счет обычных капитальных средств Азиатского Банка Развития (АБР) на финансирование расходов по **«Программе строительства жилья для комплексного развития села» (ПСЖКРС)**. Средства, упомянутого выше, Займа будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для выше указанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям и условиям Соглашения о займе с Азиатским Банком Развития, включая Руководство по закупкам. Конкурсные торги открыты для участников торгов из стран, удовлетворяющих квалификационным условиям АБР.

**2.** Для участия в перетендере принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным ранее объявленным пакетам в Фазе №07 от правомочных оферентов тендера. Полный список тендерных пакетов на перетендер предоставлен далее. Только правомочные участники тендера, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к тендерным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

**3.** Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов - с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам:

**Ташкентский филиал**
**Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18**
**Телефон: (8 371) 241-15-22**
**Факс: (8 371) 241-15-32**

